

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР СОДИР БУЎЛАШИДА АҲОЛИНИ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ТАЙЁРЛАШДА

Джураев Баходир Баймирзаевич

(Ўзбекистон Республикаси ФВВ ФМИ кафедра бошлиғи)

Джумакулова Камила Абдурахмановна

(Ўзбекистон Республикаси ФВВ ФМИ ўқитувчиси)

Аннотация: Мазкур мақолада фавқулодда вазиятлар содир бўлганида аҳолини тайёрлаш жараёнларида замонавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Рақамли технологиялар ҳамда интернет орқали платформа, мобил иловалар ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг тезкор ва самарали фавқулодда вазиятларга таёрлаб бориш масалалари ёритилган. Шунингдек, халқаро тажриба асосида аҳолини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фавқулодда вазиятлар, аҳолини тайёрлаш, замонавий ахборот воситалари, рақамли платформалар, хабардор қилиш тизими.

Кириш

Жаҳон миқёсида табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар ҳозирги кунда сони ортиб бориши аҳолини бундай ҳолатларга олдиндан тайёрлаш масаласини долзарб қилиб қўймоқда.

Ер силкиниши, сув тошқини, ёнғинлар, саноат авариялари ва бошқа хавфли ҳолатлар вақтида аҳолининг тўғри ҳаракат қилиши инсон йўқотишлари ва моддий зарарларни камайтиришда ҳал қилиш ҳозирги кунда жудда катта аҳамиятга эга.

Замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши фавқулодда вазиятларда аҳолини олдиндан тайёрлашнинг янги, самарали механизмларини жорий этиш талаб этилмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада замонавий ахборот воситалари орқали аҳолини тайёрлашнинг илмий-назарий асослари ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Фавқулодда вазиятларда аҳолини тайёрлашнинг назарий асослари принциплари аҳолини фавқулодда вазиятларга олдиндан тайёрлаш — бу фавқулодда вазиятлар содир бўлганда аҳолини ҳаётини сақлаб қолишда ва содир бўладиган фавқулодда вазиятларни олдиндан баҳолаб бориш, бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини ошириб бориш ва тезкор ахборот алмашинувини таъминлашга қаратилган узлуксиз жараёндир. Халқаро амалиётда бу жараён “Preparedness” тушунчаси орқали ифодаланиб, у қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Фавқулодда вазиятларни аниқлаш ва баҳолаш;
2. аҳолини ўқитиш ва ахборот ўз вақтида етказиш;
3. ўз вақтида огоҳлантириш ва хабар бериш тизимларини жорий этиш;

Назарий жиҳатдан қаралганда, аҳолини тайёрлашда ахборотнинг тезкорлиги, аниқлиги ва платформада жойлаштирилган аҳолини фавқулодда вазиятларга таёрлашдаги ўқув куланмалар ва видео роликлар оддийлиги асосий омил ҳисобланади. Шу боис, замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бу жараённинг самарадорлигини оширади.



Замонавий ахборот воситаларининг роли ва имкониятлари Бугунги кунда аҳолини хабардор қилиш ва тайёрлашда қуйидаги замонавий ахборот воситалари кенг қўлланилмоқда:

“Аҳолини фавқулодда вазиятларда кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда волонтерликка ўргатиш бўйича масофавий электрон миллий платформаси”ни (кейинги ўринларда – Миллий таълим платформаси) ахборот тизимини ишлаб чиқиш талаблари ва тартибини белгилайди. “Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ” стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Махсус платформа ва расмий веб-сайтлари орқали фавқулодда вазиятлар ҳақида ишончли маълумотлар тарқатилади. Бу платформаларда йўриқномалар, хариталар ва фавқулодда вазиятларда тоғри ҳаракат қилиш плакатлар жойлаштирилиши аҳолининг тайёргарлик даражасини оширади.

Мобил иловалар - Смартфонлар учун мўлжалланган мобил иловалар орқали реал вақт режимида огоҳлантириш хабарларини юбориш имконияти мавжуд. Бундай иловалар кўплаб мамлакатларда самарали натижа бермоқда.

Ижтимоий тармоқлар

Хозирги замонда ижтимоий тармоқларлар ривожланган бир давирда тезкор ахборот тарқалиши энг оммабоп воситалардан бири ҳисобланади. Расмий саҳифалар орқали аҳолини тўғри ва ишончли маълумотлар билан таъминлаш мумкин.

Халқаро тажриба таҳлили - Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фавқулодда вазиятларда аҳолини тайёрлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш юқори самара беради.

Масалан, Японияда ер силкинишлари бўйича эрта огоҳлантириш тизимлари мобил алоқа тармоқлари билан интеграция қилинган. Европа Иттифоқи давлатларида эса ягона рақамли платформа орқали аҳолига хавф тўғилганлиги тўғрисида автоматик таризда хабарлар юборилади.

Ушбу тажрибалар аҳолини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда илмий асосланган ҳамда ахборот технологияларига ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари - Амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, қуйидаги муаммолар мавжуд:

ахборот манбаларининг етарлича интеграция қилинмаганлиги;

аҳолининг рақамли саводхонлиги паст даражада эканлиги;

аҳолининг мажуд платформаларга кирмасликлари.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун:

Фавқулодда вазиятларга таёрлаш ягона ахборот платформасини жорий этиш;

Аҳоли ўртасида платформани кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

расмий ахборот каналларини кучайтириш тавсия этилади.

Платформанинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши

“Аҳолини фавқулодда вазиятларда кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда волонтерликка ўргатиш бўйича масофавий электрон миллий платформа”си ахборот тизими.



Миллий таълим платформанинг вазифалари

Миллий таълим платформанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолини фавқулудда вазиятларда кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш;
2. Аҳолининг қанча қисми фавқулудда вазиятларда кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши бўйича ўқиганлигини аниқлаш;
3. Республикамиз ҳудудларидаги аҳолининг уйда, ишда ва ўзига қулай бўлган жойда ҳамда вақтда онлайн ўқишини таъминлаш;
4. Қоғоз ҳужжатлар ёки ms excel файллари ўрнига ишни тўғридан-тўғри автоматлаштириш тизимининг интерфейси орқали амалга ошириш;
5. Ҳар қандай жараёнга сарфланадиган вақтни қисқартириш;
6. Барча жараёнларда хатолар сонини камайтириш ва маъмурий жараёнларни 80%га оптималлаштириш;
7. Маълумотларни таҳлил, мониторинг қилиш жараёнларида юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун тезкор ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширувчи мукамал механизмни яратиш;
8. Электрон шаклга ўтишда қоғоз ҳаражати камайтириш ва қоғоздан оқилона фойдаланиш (ҳаражатларни 60% га камайтириш кутилмоқда).

Платформани яратиш мақсадлари

Миллий таълим платформани ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда аҳолини фавқулудда вазиятларда кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда волонтерликка ўргатишда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишдан иборат.

Платформа автоматлаштириш объекти ҳақида қисқача маълумот

Миллий таълим платформанинг автоматлаштириш объекти қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар мутахассисларини хизмат ва ишдан ажралмаган ҳолда (масофадан туриб) иш жойларида ўқитиш;
2. фуқароларни кучли йирик фавқулудда вазиятлар, хусусан кучли зилзилалар оқибатларини бартараф этишда волонтерликка ўргатиш.

Платформа автоматлаштириш объекти жорий ҳолати ҳақида қисқача маълумот

Мазкур Миллий таълим платформа Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти вакили томонидан тақдим этиладиган маълумотлар, ўқув-услубий кўлланмалар ва таҳлилий материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишончли тезкор маълумотларни бериш орқали аҳолини турли кучли зилзилалар ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатларда тўғри ҳаракат қилишга ёрдам беради.

Бундан ташқари фуқароларни кучли йирик фавқулудда вазиятлар, хусусан, кучли зилзилалар оқибатларини бартараф этишда кўнгилли равишда иштирок этиш учун зарур бўлган билимларни мустақил равишда ўрганишга шарт-шароит яратади.



Шунингдек, ушбу Миллий таълим платформа фавқулдда вазиятларда жабр кўрган аҳолига биринчи навбатда қандай ёрдам кўрсатиш кераклиги ҳамда қайси ташкилотларга муурожаат қилиш бўйича маълумотларни олиш имкониятини тақдим этади.

Шу билан бирга, мазкур Миллий таълим платформада турли адабиётларни (китоб, журнал, йўриқнома ва б.) ва маълумотларни электрон шаклда олиш мумкин.

Платформага қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган Миллий таълим платформа қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши керак:

Ишончлилик – Миллий таълим платформа носозликлар ва фавқулдда вазиятлар бўлган тақдирда мавжуд сақланган маълумотларнинг мантиқий яхлитлигини йўқотмасдан Миллий таълим платформани қайта юкланиши ва маълумотларни қайта ишлашнинг бутунлигини сақлаш жараёнларини таъминлаши керак.

Масштаблилик – Миллий таълим платформада қайта ишланган маълумотларнинг ҳажмини ошириш имконияти бўлиши керак.

Ахборот хавфсизлиги – Миллий таълим платформа ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб бериши керак.

Модуллилик – Миллий таълим платформадаги функцияларни бажариш учун дастурий таъминот унинг таркибига кирадиган ва бир-бири билан ўзаро ишлайдиган модуллардан иборат бўлиши керак.

Унификация – Миллий таълим платформада маълумотларни электрон шаклда тавсифлаш, тақдим этиш, узатиш ва қайта ишлаш усуллари бир хиллаштирилган (унификацияланган) бўлиши керак.

Ўзгарувчанлик – Миллий таълим платформа ишлатиш жараёнида керакли ўзгариш ва қўшимчаларни осон қўшилишини таъминлаб бериши керак.

Мослашувчанлик – Миллий таълим платформа мавжуд функцияларни бузмасдан (йўқотмасдан) янги функцияларни қўшиш имкониятини таъминлаши керак.

Интеграция – керак бўлган ҳолда бошқа Миллий таълим платформа бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш имкониятини таъминлаши керак.

Платформага қўйиладиган умумий талаблар

Миллий таълим платформа марказлаштирилган бўлиши, яъни барча маълумотлар марказий маълумотлар омборида жойлашган бўлиши керак. Жараёнларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига эришиш учун Миллий таълим платформа уч қисмли архитектурада амалга оширилиши керак:

1. Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш қисми (Database Server);
2. Амалий мантиқ қисми (Application Server);
3. Маълумотлар билан ишлаш қисми (тизим фойдаланувчилари).

Миллий таълим платформада фойдаланувчилар ва сервер ўртасида хавфсиз алоқани ўрнатиш учун TLS/SSL-сертификати (TLS (Transport Layer Security), интернетдаги тугунлар ўртасида хавфсиз маълумотларни узатишни таъминлайдиган криптографик протокол, SSL (Secure Sockets Layer - хавфсизроқ алоқани назарда тутадиган криптографик протокол) сертификати ўрнатилиши керак.

TLS/SSL-сертификатини харид қилиш учун жавобгарлик Буюртмачига, уни Миллий таълим платформага ўрнатиш эса Ишлаб чиқувчининг зиммасида бўлиши лозим.



Миллий таълим платформадаги модуллар (қуйи тизимлар) (*id-egov.uz*) тизими билан маълумот алмашишга мўлжалланган.

Қуйи тизимлар рўйхати, уларнинг вазифаси ва асосий характеристикалари структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар

Миллий таълим платформа тузилиши бўйича қуйидаги асосий модулларга бўлинади:

“Рўйхатдан ўтиш” модули – ушбу модуль орқали фойдаланувчилар **id.egov.uz** ягона идентификация тизими ёки СМС код орқали рўйхатдан ўтиб, Миллий таълим платформа фойдаланувчиларига айланади.

Изоҳ - “Аутентификация” модули - ушбу модуль фуқаро ва масъул ходимларини Миллий таълим платформада аутентификациядан ўтиши учун мўлжалланган модулдир.

Функциянинг тавсифи: Мазкур модуль орқали фойдаланувчилар **id.egov.uz** ягона идентификация тизимидан авторизациядан ўтган ҳолда белгиланган роллар асосида Миллий таълим платформада ишлаш учун мўлжалланган.

Вақт регламенти: Белгиланмаган.

Функцияни амалга ошириш сифатига қўйиладиган талаблар:

Фойдаланувчиларга берилган ролларга қараб қуйидагилар амалга оширилади:

1. Шахсий кабинетга кириш;
2. Керакли бўлган курсларни танлаш.

“Шахсий кабинет” модули – ушбу модуль унинг ичидаги “Асосий маълумот”, “Сертификатлар” ва “Профиль” каби функцияларидан иборат.

«Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш» модули – ушбу модуль аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш бўйича киритилган маълумотлар билан таништириш ва улардан фойдаланиш учун хизмат қилади.

Модуль орқали Миллий таълим платформага қуйидаги маълумотлар киритилган бўлади:

1. Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга доир маъруза матнлари;
2. Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга доир слайдлар;
3. Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид видео роликлар;
4. Якуний тест учун саволлар;
5. Сертификат олиш қисми.

«Волонтёр» модули – ушбу модуль орқали ихтиёрий волонтёр бўлган фуқароларлар ўқув қўлланма билан танишишлари мумкин.

Мазкур модуль орқали Миллий таълим платформага қуйидаги маълумотлар киритилган бўлади:

1. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тартиби бўйича маъруза матнлари;
2. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тартиби бўйича слайдлар;
3. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тартибига оид видео роликлар;
4. Якуний тест учун саволлар;
5. Сертификат олиш қисми.

«Аҳолини зилзилада тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш» модули – ушбу модуль орқали давлат бошқарув органлари, мутахассислари ҳамда иш билан банд бўлмаган аҳоли зилзилага қадар, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин тўғри ҳаракатланиш тартиби билан танишиши ва улардан фойдаланиши мумкин.



Модуль орқали Миллий таълим платформага қуйидаги маълумотлар киритилган бўлади:

1. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича маъруза-матнлари;
2. Сейсмик хавфсизликни таъминлашга доир слайдлар;
3. Зилзилада тўғри ҳаракатланишга оид видео роликлар;
4. Яқуний тест учун саволлар;
5. Сертификат олиш қисми.

«Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш» модули

ушбу модуль орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар мутахассисларини хизмат ва ишдан ажралмаган ҳолда республикамизда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлашга мўлжалланган.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, фавқулодда вазиятлар содир бўлганида аҳолини замонавий ахборот воситалари орқали аҳолини тайёрлаш замон талабига мос ва самарали йўналиш ҳисобланади. Рақамли технологиялардан комплекс фойдаланиш аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, инсонинг ҳаётини сақлаб қолиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 17-августдаги 790-сон “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 1-июндаги Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПФ-5066-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 29-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 11- августдаги “Фавқулодда вазиятлар рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 361-сонли қарори.
6. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами). I, II, III- том. Т.:– 2007, 2012, 2023.

